

ПУДРАТ ШАРТНОМА

20«12»2022 yil.

476-4-58-OB/2022-son

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Ободонлаштириш бошкармаси номидан Низом асосида иш курувчи Ж.Абдиев бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Шамшод меъмор» МЧЖ Номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Ў.Қўлдошов иккинчи томондан, Қамаш тумани, Меҳр МФЙ, Янгиобод қишлоғи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 1 донна артизиан сув қудуғи қазииш объектни фойдаланишга тайёр ҳолда куришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

ижро хужжатлари — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик, даврда кабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар; курилиш майдони — мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб куйилади; вақтинчалик иншоотлар — Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар кандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар; беркитиладиган ишлар — сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар; шартнома нархини булиб чиқиш — ишларнинг хар бир босқичи ва/ёки турлари кийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини босқичларга таксимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Меҳр МФЙ Янгиобод қишлоғи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 1 донна артизиан сув қудуғи қазииш лойихада кузда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда куриш буйича курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома буйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил «16» декабрдаги 208249-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни уз ичига олган ҳолда жорий нархларда 190500000 (Бир юз тўқсон миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

— қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

— ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

— объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқда узгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ, бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

— барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга мувофиқ. ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг қучлари ва/ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ. топшириш;

— қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдонида техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳрфаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклар урнатиш;

— қурилиш таваққалчиликларини суғурта қилиш;

— мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган қундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

— қурилиш майдони қурикланишини таъминлаш;

— мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг Уз қучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тэйёр ҳолда топширилиши учуй Буюртмачи олдида тулик. мулкый жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган

курулиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

— ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курулиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риюя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

— Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;

— молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини такдим этиш;

— мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

— миллий валюта «сумда» узаро хисоб-китоб килинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

— кейинчалик ЭАВга конвертация килган холда миллий валютада «сумда» узаро хисоб-китоб килинганда — шартнома конун хужжатларига мувофик, руйхатдан утказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси буйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. Туловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи миқдориди, бу 57150000 сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий кийматининг қилган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи уртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда:

— объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида ишлар кийматининг камида 45 фоизи миқдориди;

— мазкур шартномада белгиланган қафолатли муддат тамом бўлгандан кейин ишлар кийматининг 5 фоизигача миқдориди, бироқ, молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини техник аудитори тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудитори ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунотазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида қурсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жаadwalига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан қелишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича

ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини такдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиклиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни уз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия булиш ишларида урнатиладиган координатлар, баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома буйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи узи томонидан қурилишида қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини қафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақида хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини хисботласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаसा, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ қуча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулақларни супуриб-сидиради ва озода саклайди,

курулиш даврида майдондан курулиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниси, утказилган синовлар, материаллар уз вак-тида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб колишлар, курулиш техникасининг ишдан чиқиши Тугрисидаги маълумотлар, шунингдек курулишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Ишларни куриклаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курулиш тугаллангунгача ва курулиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тусилган курулиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курулиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк объект кабул килиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

41. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кisman ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарлишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кisman ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курулишини мухокама киладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хақлидир.

XI. Курулиши тугалланган объектни кабул килиб олиш

44. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга кабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.;

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида кабул килиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V булимга мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқдаши керак.

47. Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

ХII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

— барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

— лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

— Узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи

буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;

— ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни уз вақтида бартараф килишни;

— объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 йил этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг уз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII булимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш

«Давархитекткурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

— шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

— ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

— Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ; бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ, бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

— Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­нома юборди.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шунингдек бўй берилган фойдани тулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

— иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг фоизи миқдорига пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси

бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар кийматининг 30% фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган

61. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми учун фоиз туланади

Буюртмачи томонидан топилга нуксонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0.5% фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0.2% фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчинини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 0.2% фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

64. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзинмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз қучини йукотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рұхсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида унга тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.
Шартнома муддати 31.12.2022 йил

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари

«БУЮРТМАЧИ»

Қамаши туман Ободонлаштириш
бошқармаси

ш/х: (401722860102207045204110013)

Қамаши Агробанк МФО: 00160

ОКОНХ 90211. х/р: 1000 22 8601022 07065200110002
ИНН : 206946624

Молия Вазирлиги Газначилиги

23402000300100001010

ИНН: 201122919

МФО: 00014 Марказий банк Тошкент ш.

«ПУДРАТЧИ»

«Шамшод меъмор» МЧЖ

х/р 20208000301010708001

Қамаши халқ банк

ИНН: 305982365

МФО: 00696

Бошлик : _____ Ж.Абдиев



Бошлик: _____ Ў.Қулдошов

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	JUMANAZAR ABDIYEV BEGIMQULOVICH
	Imzolangan sana	20.12.2022 11:40
	Hujjat kodi	QW0685458704
	Hulosa kodi	HE6054257203

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

HE6054257203

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Mehr MFY Yangiobod qishlog‘i aholisini ichimlik suvi bilan ta‘minlash maqsadida bir dona aritizan suv qudug‘i qazish to‘g‘risida**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot: QAMASHI TUMAN HOKIMLIGI HUZURIDAGI "OBODONLASHTIRISH" BOSHQARMASI tomonidan 20.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qamashi tuman
yuridik markazi
markaz rahbari:**



B.S.RO‘ZIYEV

20.12.2022

«Тасдиқлайман»

Қамаши туман Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи

Ж.Абдиев

20.декабр, 2022 йил

№ 20

Қамаши тумани

Қашқадарё вилоят ҳокимининг 2022 йил 29 октябрдаги 873-4-0-Q/22 сонли қарорига асосан Меҳр МФЙ Янгиобод кишлоғи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 1-дона скважен кудуғи қазииш бўйича танлов асосида шартнома тузишни ташкил қилиш комиссиясининг

ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ:

Комиссия раиси

Ж.Абдиев

Аъзолари:

Р.Абдиев

Бош ҳисобчи

Б. Бозоров

Бош муҳандис

Х.Қўйлиев

Мутахасис муҳандис

А.Тоғаев

хўжалик мудир

Кун тартибида куриладиган масала:

Қашқадарё вилоят ҳокимининг 2022 йил 29 октябрдаги 873-4-0-Q/22 сонли қарорига асосан Меҳр МФЙ Янгиобод кишлоғи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 1-дона скважен кудуғи қазииш бўйича 2022 йилнинг декабр ойида “Шамшод меъмор” МЧЖ билан шартнома килиш ва шартномани тасдиқлаш тўғрисида.К

Комиссия танловга қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб Қашқадарё вилоят ҳокимининг 2022 йил 29 октябрдаги 873-4-0-Q/22 сонли қарорига асосан Меҳр МФЙ Янгиобод кишлоғи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 1-дона скважен кудуғи қазииш бўйича 3 та курилиш ташкилотлари қатнашаётганлигини эълон қилди.

Танлов бўйича 2022 йил 16 декабрь кунда лот № 208249 сонли протокол эълон қуйилгандан кейин 3 та курилиш ташкилотлари ўз таклифлари билан қатнашди ва энг юкори балл “Шамшод меъмор МЧЖ олди ва 2 кун муҳокамада қуйилди ҳамда бошқа эътирозлар булмагандан кейин “Модернизатция махсус сервис” МЧЖ билан шартнома тузилди.

Танлов комиссияси қарор қилади:

1. “Шамшод меъмор МЧЖ танлов ғолиби деб топилсин.
2. Қашқадарё вилоят ҳокимининг 2022 йил 29 октябрдаги 873-4-0-Q/22 сонли қарорига асосан Меҳр МФЙ Янгиобод кишлоғи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 1-дона скважен кудуғи қазииш лойиҳа -смета хужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш мутахасис муҳандис Х.Қўйлиевга топширилсин.

3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш бош ҳисобчи Р.Абдиевга юклатилсин.

Комиссия раиси раиси:

Ж.Абдиев

Аъзолари:

Р.Абдиев

Бош ҳисобчи

Б. Бозоров

Бош муҳандис

Х.Қўйлиев

Мутахасис муҳандис

А.Тоғаев

хўжалик мудир

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 208249 на приобретение Камаши туман «Мехр» МФЙ Янгиобод кишлок ахалисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида бир дона артизан кудугини казиш капитал таъмирлаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 16.12.2022

Время рассмотрения 07.12.2022 11:26

Конкурсная комиссия Камаши Ободонлаштириш булими, (Далее - Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ABDIYEV JUMANAZAR BEGIMQULOVICH	Рахбар	Ободонлаштириш бошкармаси
Секретарь комиссии	ESHMURADOVA ZULFIYA SUYUNOVNA	Котиба	Камаши туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	TAG'AYEV AKRAM QARSHIYEVICH	Мутахасис	Камаши туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	BOZAROV BAYRAMALI RASHIDOVICH	Мухандис	Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	QUYLIYEV XOLMUMIN QUVVATOVICH	Бош мутахасис	Камаши туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	ABDIYEV RUZIMURAT ULDASHOVICH	Бош хисобчи	Камаши туман Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.12.2022 года № лота 208249.

Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 42

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по капитальному ремонту дренажной насосной станции (скважин)
Подробное описание	Камаши туман «Мехр» МФЙ Янгиобод кишлок ахалисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида бир дона артизан кудугини казиш капитал таъмирлаш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	усл. ед
Цена товара (услуг)	190 709 874.00
Стартовая сумма	190 709 874.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 солик ва молиявий хисоботлари

Тип: Текстовое значение

Описание: солик ва молиявий хисоботлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SHAMSHOD ME'MOR MCILJ	20	20	15	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BOBURBEK NODIRBEK SIFAT QURIL	20	20	15	Экспертная		
CHIYAL QURILISH INVEST XK	20	солик ва молиявий хисоботлари	15	Экспертная		

Критерий №2 Ишчи ходимлар тугрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи ходимлар тугрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SHAMSHOD ME'MOR MCHJ	20	20	17	Экспертная		
BOBURBEK NODIRBEK SIFAT QURIL	20	20	17	Экспертная		
CHIYAL QURILISH INVEST XK	20	Ишчи ходимлар тугрисида маълумотнома	16	Экспертная		

Критерий №3 Тегишли техника ва асбоб ускуналари

Тип: Текстовое значение

Описание: Тегишли техника ва асбоб ускуналари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SHAMSHOD ME'MOR MCHJ	20	20	18	Экспертная		
BOBURBEK NODIRBEK SIFAT QURIL	20	20	17	Экспертная		
CHIYAL QURILISH INVEST XK	20	Тегишли техника ва асбоб ускуналари	17	Экспертная		

Критерий №4 Низом ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари. СТИР ракамлари. Статистик маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Низом ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари. СТИР ракамлари. Статистик маълумотлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SHAMSHOD ME'MOR MCHJ	25	25	16	Экспертная		
BOBURBEK NODIRBEK SIFAT QURIL	25	25	16	Экспертная		
CHIYAL QURILISH INVEST XK	25	Низом ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари. СТИР	16	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		ракамлари. Статистик маълумотлар				

Финансовое значение

Наименование товара: Услуга по капитальному ремонту дренажной насосной станции (скважин)

Ценовые предложения				Порядок оценки ценовых предложений	
Наименование участника	Стартовая сумма (UZS)	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Итоговое значение (UZS)
SHAMSHOD ME'MOR MCHJ	190 709 874.00	190 500 000.00 UZS	190 500 000.00	00.00	190 500 000.00
BOBURBEK NODIRBEK SIFAT QURIL	190 709 874.00	190 700 000.00 UZS	190 700 000.00	00.00	190 700 000.00
CHIYAL QURILISH INVEST XK	190 709 874.00	185 000 000.00 UZS	185 000 000.00	00.00	185 000 000.00

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 190 709 874.00 UZS

Наименование участника	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
SHAMSHOD ME'MOR MCHJ	190 500 000.00 UZS	190 500 000.00	00.00	00.00	190 500 000.00	15.12.2022 13:14:31	2.91339
BOBURBEK NODIRBEK SIFAT QURIL	190 700 000.00 UZS	190 700 000.00	00.00	00.00	190 700 000.00	15.12.2022 13:21:59	2.91033
CHIYAL QURILISH INVEST XK	185 000 000.00 UZS	185 000 000.00	00.00	00.00	185 000 000.00	15.12.2022 19:30:15	3

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
SHAMSHOD ME'MOR MCHJ	75.31759	2.91339	78.23098
BOBURBEK NODIRBEK SIFAT QURIL	74.17687	2.91033	77.0872
CHIYAL QURILISH INVEST XK	73.03518	3	76.03518

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 208249 от 16.12.2022 года на приобретение Камаша туман «Мехр» МФЙ Янгибод кишлок ахалисин: ичимлик суви билан таъминлаш максатида бир дона артизан кудугини казиш капитал таъмирлаш ишлари определила победителем:

SHAMSHOD ME'MOR MCHJ



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QASHQADARYO VILOYATI HOKIMINING
QARORI

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko‘chasi, 1-uy. Faks: (+99875)221-12-88, qashqadarvo@exat.uz

2022 - yil 29 - oktabr

873-4-0-Q/22

Qashqadaryo viloyati hokimligi

Qamashi tuman “Mehr” MFY Yangiobod qishloq aholisini ichimlik suv bilan ta’minlash maqsadida 1 dona artezian suv qudug‘i qazish xarajatlariga mablag‘ ajratish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati raisi rahbarligida 2022-yil 12-sentyabr kuni mahalla infratuzilmasini yanada yaxshilash va aholi kayfiyatiga ta’sir qiladigan muammolarni o‘rganish bo‘yicha Qamashi tuman “Uzun” MFY da mahalla faollari bilan uchrashuvda ko‘tarilgan masala hamda Xalq deputatlari viloyat Kengashining 2022-yil 12-oktyabrdagi VI-51-149-4-0-K/22-son qaroriga asosan, Qamashi tuman hokimligining 2022-yil 22-sentyabrdagi 1-01/207-son murojaat xatiga muvofiq, O‘zbekiston Respublikasi “Mahalliy Davlat hokimiyati to‘g‘risida”gi Qonunining 6 va 25-moddalariga asosan,

QAROR QILAMAN:

1. Viloyat hokimligi Moliya bosh boshqarmasi (Yusupov), viloyat mahalliy budjetining 2022-yil III-chorak daromadlar rejasini oshirib bajarilgan qismi hisobidan, Qamashi tuman “Mehr” MFY Yangiobod qishloq aholisini ichimlik suv bilan ta’minlash maqsadida 1 dona artezian suv qudug‘i qazish bilan bog‘liq xarajatlar uchun Qamashi tuman hokimligi budjetiga 200,0 (ikki yuz) mln.so‘m mablag‘ ajratsin.

2. Viloyat G‘aznachilik boshqarmasi (Ahmedov), Qamashi tuman hokimligi (Tog‘ayev), mazkur qarorga asosan ajratilgan mablag‘larni to‘lov intizomiga rioya etgan holda ishlatilishini ta’minlasin.

3. Viloyat Davlat moliyaviy nazorat boshqarmasi (Turumov), ajratilayotgan mablag‘ning maqsadli va samarali ishlatilishi ustidan nazorat o‘rnatilsin.

4. Ushbu qarorning bajarilishini nazorat qilish viloyat hokimining birinchi o'rinbosari A.Qodirov zimmasiga yuklatilsin.

Viloyat hokimi



M. Azimov